

Ғийбатнинг зарарлари (1-қисм)



17:47 / 11.04.2018 4305

Маълум бўлсинки, ғийбат сабабли дунёда ҳам, динда ҳам жуда кўп зарарлар юзага келади. Ғийбат қилувчига Қуръони Каримдаги «**Дунёни ҳам, охиратни ҳам қўлдан бой берди**»^[1] оятининг маъноси тўғри келиб қолади. Қуйида ғийбат қилиш натижасида пайдо бўладиган зарарларни санаб ўтаман.

Биринчи зарар: дуонинг қабул бўлмаслиги.

Кўп ғийбат қилувчи ўзининг бу ишига камдан-кам ҳолда афсус-надомат чекади. Бардавом гуноҳ қилиб, унга афсусланмайдиган киши эса Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра бўлади. Шунинг учун унинг дуоси ҳам қабул бўлмайди.

Насиҳат. Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ «Танбеҳул ғофилин»да шундай ёзади: «Уч кишининг дуоси қабул бўлмайди. Биринчиси – ҳаром мол ейдиган киши, иккинчиси – кўп ғийбат қиладиган киши, учинчиси – мусулмонларга нисбатан қалбида нафрат ва ҳасади бўлган киши».

Ҳикоя. Одамлар Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳдан: «Нима сабабдан дуоимиз ижобат бўлмайди, ҳолбуки, Аллоҳ таоло **«Менга дуо қилинглар, ижобат қиламан»**, деган-ку?!» деб сўрашди. Иброҳим ибн Адҳам: «Чунки сизларнинг қалбингиз ўлик», дедилар. Одамлар: «Қалбимизни нима ўлдирган?» деб сўрашган эди, у киши шундай жавоб бердилар: «Қалбингизни саккиз нарса ўлдирган. Аллоҳ таолонинг ҳаққи қандай буюклиги, нақадар кўплигини биласизлар, лекин Унинг ҳаққини адо қилмайсизлар. Қуръонни ўқийсизлар, лекин унинг амр ва тақиқларига амал қилмайсизлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз дейсизлар, лекин у зотнинг суннатларига амал қилмайсизлар. Ўлимдан қўрқамиз дейсизлар, лекин унга тайёргарлик кўрмайсизлар. Аллоҳ таоло: **«Албатта, шайтон сизларга душмандир. Бас, уни душман тутинглар»**,^[2] деган, бироқ сизлар гуноҳ қилишга шайтон билан келишиб олгансизлар. Дўзахдан қўрқамиз дейсизлар, лекин (гуноҳ қилиш билан) ўз жисмларингизни дўзахга улоқтирасизлар. Жаннатни яхши кўрамиз дейсизлар, лекин унга кириш учун амал қилмайсизлар. Ухлаб тургач, ўз айбларингизни ортга ташлаб (унутиб) юборасизлар, бироқ одамларнинг айбларини олдингизга ёйиб (кун мавзуси қилиб) оласизлар».^[3]

Бу ҳақда ҳазрат Жалолуддин Румий раҳимаҳуллоҳ ҳам «Маснавий»да шундай деган:

Ғофил-анд ин қавм аз худ сар ба сар,

Ло жарам гўянд айби ҳам дигар.

Назмий маъноси:

Ўзидан ғофил бу эл бошдин-оёқ,

Бир-бирининг айбини сўзлайди, боқ.

Насрий баёни: Бу қавм бошдан-оёқ ўзидан беҳабардир, шунинг учун фақат бир-бирининг айбини гапиради.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[1] Ҳаж сураси, 11-оят.

[2] Фотир сураси, 6-оят.

[3] «Иҳёу улумид-дин»; «Тазкиратул авлиё».